

Товар (маҳсулот) етказиб беришга
PLT-01/91 сонли ХИСОБ ШАРТНОМА

Наманган шаҳар

“ 18 ” март 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Буюртмачи» деб юритилувчи Чоғи Гулян
Коммерсант номидан бюджет ташкилоти раҳбари Д. Курбанов бир томондан ва
амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Ижро килувчи» деб юритилувчи «POLIETILEN SANOAT» МЧЖ
номидан иш кўрувчи **Т.З.Набиев** иккинчи томондан ҳисобланиб мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

№	Маҳсулотноми	Улч. бир.	Сони	ККС хисобгаолинга нсуммаси	ККС хисобгаолинганкий мати	ККС		Етказиб бериш киймати, ККС билан.
						Ставка	Қиймати	
1	Полиэтилен труба Д-110x8.1 мм	п/м	1 000	56 739,13	56 739 130,43	15	8 510 869,57	65 250 000,00
Жами					56 739 130,43	8 510 869,57		65 250 000,00

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Ижро килувчи» «Буюртмачи»га **65 250 000,00** ККС билан (кейинги ўринларда «Товар (маҳсулот)» деб юритилади) етказиб бериш. «Буюртмачи» эса уларни қабул қилиб маҳсулот сифатига тўла жавобгарликни олиб ҳамда маҳсулот кийматини аниқлаштирувчи ҳужжатлар асосида тўлов ҳужжатларини олиб келиб белгиланган тўлов кетма-кетлиги риюя қилган ҳолда бюджетдан маблаг олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблаг доирасида тўловни амалга ошириб беради.

II. «ТОВАР (МАХСУЛОТ)»НИНГ СИФАТИ.

2.1. Етказиб берадиган «Товар (маҳсулот)»ни сифати Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларига мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. Етказиб бериладиган «Товар (маҳсулот)» учун 28 кун муддатга қафолат берилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

«Ижроки лувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашини талаб қилиш;

«Товар (маҳсулот)» «Буюртмачи»га транспортда ташилганда «Ижрокилувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Ижро килувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги «Товар (маҳсулот)» етказиб берилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган «Товар (маҳсулот)» етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра;

Зарур сифатга эга бўлмаган «Товар (маҳсулот)» шунга ўхшаш «Товар (маҳсулот)» билан алмаштирилишини;

Камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд иккинчи шахслар томонидан тўғриланиш харажатларини қоплаши;

-бахосининг мутоносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;-

Мазкур шартнома шартлари бажарилганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Ижро килувчи»дан талаб қилиш;

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган «Товар (маҳсулот)»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Товар (маҳсулот)»га мазкур шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кун мобайнида «Тулаб берувчи»га тўлов ҳужжатларини тақдим қилиш.

3.3. «Ижро килувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

«Буюртмачи»га «Товар (маҳсулот)»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

Агар «Товар (маҳсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Ижро килувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йул қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беради.

IV. ШАРТНОМАНИНГ КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 65 250 000 сумни ташкил этади. Олтинчи Бега Мамедов
Селма Юз Зилека Мамед (сумма рақамлар харфлар билан берилади). Етказиб бериладиган «Товар (маҳсулот)»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилади.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Ижро килувчи» кўтаради.

Хамда маҳсулотларни 5 (Беш) кун муддат ичида етказиб беради. Маҳсулот «Буюртмачи»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Ижро килувчи» транспортда ташиши харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3 Бюджет ташкилоти етказиб бериладиган товар (маҳсулот) туркуми суммасини 30% миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш мақсадида тўлов ҳужжатларини тулаб берувчига олиб келади. Тулаб берувчи тақдим қилинган ҳужжатлар асосида белгиланган тўлов кетма-кетлигига риюя қилган ҳолда тўловни амалга оширилади. Етказиб берилган товар (маҳсулот) учун қабул-қилиш топшириш далолатномасини имзолангандан кейин 30 кун муддатда узул кесил ҳисоб-китоб қилинади.

4.4. Етказиб берилган «Товар (маҳсулот)» учун пул ўтказиш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳолларда бундан мустасно.

5.3. «Товар (маҳсулоти)» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида қўрсатилган сана «Товар (маҳсулоти)»га ҳақ тўлаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Буюртмачи»нинг розилиги билан «Товар (маҳсулоти)» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Буюртмачи» томонидан қабул қилинган «Товар (маҳсулоти)» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак булган «Товар (маҳсулоти)» ҳисобига ҳақ туланади ва улар ҳисобига утказилади.

5.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган «Товар (маҳсулоти)»ни қабул қилишни рад этишга ҳақдидир.

5.6. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда «Товар (маҳсулоти)» етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган товар маҳсулот урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган «Товар (маҳсулоти)»ни урни тулдирилиши керак. Бундай «Товар (маҳсулоти)» етказиб бериш «Буюртмачи»нинг олдидан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси буйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган «Товар (маҳсулоти)» бевосита «Бюджет ташкилот»нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган «Товар (маҳсулоти)» микдори, уларнинг сифати қурсатилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Товар (маҳсулоти)» етказиб бериш мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи»нинг буюртма маъносидан курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Ижро қилувчи» «Бюджет» ташкилотларнинг буюртма номаларини руйхатдан утказиш дафтари юрилади.

Буюртманомани «Товар (маҳсулоти)» тегишли туркумлани етказиб беришнинг мулжалланаётган санагача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилди. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Ижро қилувчи»нинг ходими «Бюджет ташкилоти»да қоладиган нусхага санани курсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тугрисида белги қуяди.

5.9. «Буюртмачи» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд «Товар (маҳсулоти)»нинг тегишли туркумлани етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақдидир. Бухакда «Ижро қилувчи»ни буюртманомани курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилмаётган «Товар (маҳсулоти)» сифати, микдори «Ижро қилувчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Ижро қилувчи» етказиб берилмаётган «Товар (маҳсулоти)»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи»га нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% фоизи микдоридан жарима тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган «Товар (маҳсулоти)»нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, наъмуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартлар жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада булмаган «Товар (маҳсулоти)» қийматининг 20% фоизи микдоридан жарима тулайди.

6.3. «Товар (маҳсулоти)» етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилшини рад этилганлиги учун «Ижро қилувчи» «Буюртмачи»га белгиланган нормалардан ташқари етказиб берилиши керак булган «Товар (маҳсулоти)»нинг 25% фоиз микдоридан жарима тулайди. Жаримадан ташқари «Ижро қилувчи» «Буюртмачи»га «Товар (маҳсулоти)»ни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

6.4. «Товар (маҳсулоти)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Ижро қилувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи микдоридан пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (маҳсулоти)» қийматининг 50% фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Товар (маҳсулоти)» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Ижро қилувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% фоизи микдоридан пеня тўлайди. Бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% фоиздан ортик бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

6.7. Сотиб олинаётган товар маҳсулотларнинг нархи учун бюджетдан маблағ олувчи ташкилот жавобгардир.

VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Шартноманинг амал қилиш муддатларида томонларнинг хоши иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (табиий офатлар, оммавий тартибсизликлар ва ҳоказо) юзага келган тақдирда, томонларнинг жавобгарликдан соқит этилади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра, муваққил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақдидир.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Шартнома Ғазначилик органидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кўчга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИЖРО КИЛУВЧИ»

«Товар (маҳсулот) етказиб берувчи
«POLIETILEN SANOAT» МЧЖ

Адрес: Наманган шаҳар, Саноатчилар куча, 8-уй

Тел/факс: 69 234 15 15

Х/Р: 20 208 000 500 255 486 004

Банк номи «Трастбанк» Наманган филиали.

МФО: 01060 ИНН: 302 695 764


ОКОНХ: 13140, ОКЭД: 22210


Ташкилот раҳбари  Т.Набиев

Юрист: 



«БУЮРТМАЧИ»


(бюджетданмаблаголувчининг номи)

Адрес: 
тел, 6948-21-744


факс _____
ш.х.в. 1000228801422970NB10002007

Банк номи: 

Х.р. _____

МФО 00014 СТИР 200099815

ОКОНХ 91600

Газначилик Бошкармасиноми: 

Газнах.в. 736020003001000100

Банк номи: 

МФО 59014 ИНН 20122919

Раҳбар  М. Мусаев

(имзо)

Юрист  Н. Усмоилов



МУХОКАМА АХБОРОТИ

“18” март 2022 йил

Уйчи тумани

Уйчи тумани ҳокимлиги томонидан 2022 йил “9” мартдаги №22110012041709-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туманидаги Янгихаёт МФЙга ичимлик суви тортиш мақсадида полиэтилен труба сотиб олиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича Polietilen Sanoat МСНҲ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Уйчи туман ҳокими биринчи ўринбосари



Д.Нурматов

Бош мутахассис



У.Кадиров